

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХАЛДАРОВА ГУЛЧЕҲРА САГДИЕВНА

ЧЕТ ТИЛДА ЎҚУВЧИЛАР КОГНИТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
(5-6 синфлар мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Шахалдарова Гулчехра Сагдиевна

Чет тилда ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш
принциплари ва технологиялари (5-6 синфлар) 5

Шахалдарова Гульчехра Сагдиевна

Принципы и технологии формирования когнитивной компетенции учащихся
по иностранному языку (5-6 классы) 21

Shakhaldarova Gulchekhra Sagdiyevna

Principles and Technologies of forming Pupils' Cognitive Competence in a Foreign
language (5-6 classes) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХАЛДАРОВА ГУЛЧЕҲРА САГДИЕВНА

ЧЕТ ТИЛДА ЎҚУВЧИЛАР КОГНИТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
(5-6 синфлар мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2020.4.PhD/Ped1311 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рискулова Камола Жуммаевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Кодирова Фотима Рашидовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Собирова Гулноза Содиковна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:


Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «17» сепар кuni соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 а уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).


Диссертация билан Ўзбекистон жаҳон тиллари университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 а уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «4» сепар кuni тарқатилди.
(2022 йил «4» сепар даги 6 рақамли реестр баённомаси).




Г. Х. Бақиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


Х. Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент


Л. Т. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлашда таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашиши ҳамда ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Дунё тажрибасига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитишнинг илғор усуллари жорий этган ҳолда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш ҳамда фан-технологияларнинг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш долзарблик касб этади.

Жаҳон амалиётида компетенция, коммуникатив компетенция, когнитив лингвистика, когнитив психология, когнитив методиканинг турли муаммолари бўйича қатор мамлакатларда жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Россиянинг қатор университетларида чет тилда когнитив стратегияларни шакллантириш технологиялари, метод ва ёндашувлари борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хорижий тилларни ўқитишда ўқувчиларнинг когнитив компетенциясини шакллантириш принципларини когнитив психология, когнитив лингвистика, коммуникатив-когнитив ёндашув нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, шунингдек хорижий тил кўникмаларининг ривожланиш даражасини диагностика қилувчи технологияларни илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Республикамизда сўнгги йилларда ўзбек олимлари томонидан ҳам коммуникатив, кластерли, компетенциявий, когнитив, интегратив, шахсга йўналтирилган (индивидуаллаштирилган) ёндашувлар, инновацион методлар ҳамда технологиялар асосида чет тилларни ўқитиш бўйича илмий изланишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг барча типдаги ўқув муассасалари, жумладан умумий ўрта таълим мактабларида чет тилларни ўрганиш ва ўргатиш жараёнида асосий мақсад коммуникатив-когнитив компетенцияларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш, яъни ўқувчини кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда келажакда фаолият олиб боришга тайёрлаш» каби муҳим вазифалар белгиланди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 апрелдаги 281-сон «Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чет тилларни ўқитиш методикаси бўйича республикамизда кўзга кўринган мутахассис олимлар Г.Х. Бакиева, Ж.Ж. Жалолов, Л.Т. Ахмедова, Д.У. Хошимова, Т.Қ. Сатторов, М.Ж. Джусупов, Г.Т. Маҳкамова, К.Н. Набиева, С. Сайдалиев² ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган. Чет тил ўқитиш методикасининг дидактик асослари, таълим принциплари билан мамлакатимиз педагогларидан А. Зуннунов, У. Маҳкамов, Х. Иброҳимов, Ш. Абдуллаева, Б. Жабборов, Н. Зокирова, А. Жумаев, К. Рискулова, Л. Илиева³ ва бошқа олимлар, хорижий мамлакатларда В.В. Краевский, А.В. Хуторской, И.П. Подласий⁴ ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Коммуникатив ёндашув, компетенциявий ёндашув ва улар асосида шаклланган, жаҳон методикасида ўз ўрнига эга бўлган коммуникатив-когнитив методларнинг лингвистик, психолингвистик, методик принципларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борган М. Canale,

² Bakieva G.Kh., Tukhtasinov I.M. Expressing Stylistic devices in Compound Words // Eastern European Scientific Journal. Ausbage, 3. 2018. P. 49-55. Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi: Chet tillar oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. – T.: O'qituvchi, 2012. – 413 б.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 200 с.; Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: Дис. ... д-ра. пед. наук. – Т.: 2007. – 209 с.; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дис... д-ра пед. наук. – Т.: 2000. – 32 с.; Джусупов М. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане // Русский язык за рубежом / специальный выпуск. 2017. – С. 50-57. Makhkamova G.T. Methodology of Teaching Special Subjects. Tashkent: «Tamaddun». 2017. 276 p. Караева К.Н. «On the didactic basis of foreign language teaching» «Экономика и социум» № 10 (77). 2020. www.iupr.ru. Саидалиев С. «Чет тил ўқитиш методикасидан очерклар». – Наманган: «Наманган» нашриёти, 2004. 1. – 82 б.

³ Зуннунов А, Маҳкамов У. Дидактика. – Т.: Шарқ, 2006; Ibragimov X.I., Abdullayeva Sh.A. Pedagogika. O'quv qo'llanma. – Т.: Фан, 2004. 2006; Жабборов Б.Г., Зокирова Н.Д. Педагогларда креатив тафаккурни ривожлантириш технологиялари. // Евразийский научный журнал. 2018. № 2. URL:<http://journalpro.ru/articles/tekhnologii-razvitiya-kreativnogo-myshleniya-u-pedagogov>; Жумаев А.Ш., Рискулова К.Д., Годжибаева К.С. Дидактика таълим назарияси. «Navro'z» нашриёти, 2019. – 125 б.; Илиева Л.К.: Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. «Чет тил таълимида изчилликни таъминлашнинг лингводидактик асослари (немис тили)». – Тошкент, 2007.

⁴ Краевский В.В. «Общие основы педагогики». Учебник. – М., 2001. – 190 с.; Краевский В.В., Хуторской А.В. Дидактика и методика. – М.: Академия, 2007. – 352 с.; Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В двух книгах. Книга 1. Общие основы процессов обучения. – М.: Владос, 2003. – 574 с.

М. Swain, W. Littlewood, Е.И. Пассов, М.З. Биболетова, Н.Б. Гальскова⁵ ва бошқалар ишларини келтириш мумкин.

Когнитив компетенция, унинг мазмуни, ўқитиш муаммолари методик жихатдан чуқур ўрганилмаган бўлсада когнитив психология, когнитивизм соҳасида Ж. Брунер, Д. Аузубел, Ж. Флейвел, Л. Выготский, И. Зимняя, М.А. Холодная⁶, когнитив лингвистикада В.А. Маслова, А.В. Щепилова, Ш.С. Сафаров⁷ илмий тадқиқот ишларини олиб борганликларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мақсади чет тилда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг когнитив компетенциясини шакллантириш принциплари ва усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: замонавий таълим тизимида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг когнитив компетенциясини шакллантириш принциплари ва усулларини такомиллаштириш;

мавзуга оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар ва тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

чет тил предметининг умумтаълимий мақоми, унинг когнитив компетенцияни шакллантириш жараёнидаги психологик, педагогик, методик хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

когнитив компетенцияни шакллантиришда онглилик ва кўргазмалилик принципларига таяниш хусусиятларини аниқлаш;

когнитив компетенция мазмуни ва таркибий қисмларини аниқлаш;

мавзу доирасида ДТС (Давлат таълим стандартлари), ЎУМ (Ўқув

⁵ Canale, M., & Swain, M. 1980. Theoretical Bases of Communicative Approaches to Second Language Teaching and Testing. *Applied Linguistics*, 1, 1-47; W. Littlewood. 1981. *Communicative Language Teaching: An Introduction*. Cambridge: Cambridge University Press.; Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. – М.: 1987. – 214 с.; Биболетова М.З., Бим И.Л., Щепилова А.В., Копылова В.В. Иностранный язык в системе школьного филологического образования (концепция) / Иностранные языки в школе. – 2009. № 1. – С. 4-8; Гальскова Н.Д. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. – М.: 2007. – 336 с.

⁶ Bruner J.S. In search of mind, L. N. Y., 1983; Ausubel, D., Novak, J., & Hanesian, H. 1978. *Educational Psychology: A Cognitive View* (2 nd ed.). New York: Holt, Rinehart & Winston; Flavell J.H. *Metacognitive Aspects of Problem Solving // The Nature of Intelligence*. Hillsdale / ed. by L.B. Resnick. N.Y., 1976; Выготский Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: Перспектива, 2018. – 224 с.; Зимняя И.А. Педагогическая психология. М.: Логос, 1999. – 268 с.; Холодная М. А. Когнитивная психология. Когнитивные стили: учебное пособие для бакалавриата и магистратуры / М. А. Холодная. 3-е изд. – М.: Юрайт, 2019. – 309 с.

⁷ Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск. 2004. Щепилова А.В. Коммуникативно-когнитивный подход к обучению французскому языку как второму иностранному. – Москва: ГОМЦ «Школьная книга», 2003. – 488 с.; Сафаров Ш.С. «Когнитив тилшунослик» – Т.; 2006. – Б. 17-25.

услубий мажмуа) ҳамда ўқув жараёнини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

когнитив компетенцияни шакллантиришга қаратилган методик система – уч босқичли имитацион, трансформацион, коммуникацион машқлар, нутқий ситуациялар яратиш;

когнитив компетенцияни шакллантиришнинг концептуал харитаси (Concept Mapping) ва бошқа технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини илмий жиҳатдан асослаш;

когнитив компетенцияни шакллантириш методикасини тажриба синовдан ўтказиш;

тажриба-синов натижалари асосида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаблари 5-6 синф ўқувчиларининг инглиз тилида когнитив компетенциясини шакллантириш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предметини чет тилда ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш принциплари, методлари, технологиялари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда математик статистика, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик кузатиш, тажриба-синов, социометрик (тест, сўровлар ўтказиш, суҳбат), тизимли таҳлил, умумлаштириш ва эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички ва ташқи кўргазмалилик, онглилик ва бошқа дидактик принциплар асосида ўсмир ёшдаги ўқувчилар когнитив малакаларини шакллантиришга тўлиқ мос келадиган концептуал харита (Concept Mapping) технологияси асосида уч босқичли имитацион, трансформацион ва коммуникацион машқларнинг интегратив тизими ишлаб чиқилган;

ўқувчилар когнитив қобилиятини ривожлантиришда тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив, прагматик, мультилингвал ва мультимаданий функцияларидан синхрон фойдаланишнинг самарали механизми коммуникант ва когнизант шахсини шакллантиришнинг психофизиологик тамойиллари асосида далилланган;

ўқувчиларнинг когнитив лаёқатини лингводидактик категория сифатида ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик моҳияти, илмий-методик таъминоти, таркибий қисмлари ҳамда ривожланиш босқичлари очиқ берилган;

ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш учун мўлжалланган концептуал харита (Concept Mapping) технологиясининг машқлар системасига татбиқининг самарадорлиги статистик студент формуласи кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовутни аниқлаш орқали исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мавзуга оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар ва тажрибалар ўрганилган;

чет тил предметининг умумтаълимий мақоми, унинг когнитив

компетенцияни шакллантириш жараёнидаги психологик, педагогик, методик хусусиятлари очиб берилган;

когнитив компетенцияни шакллантиришда онглилик ва кўргазмалилик принципларига таяниш хусусиятлари аниқланган;

когнитив компетенция мазмуни ва таркибий қисмлари аниқланган;

мавзу доирасида ДТС (Давлат таълим стандартлари), ЎУМ (Ўқув услубий мажмуа) ҳамда ўқув жараёни кузатилган;

когнитив компетенцияни шакллантиришга қаратилган методик система – уч босқичли имитацион, трансформацион, коммуникацион машқлар, нутқий ситуациялар яратилган;

когнитив компетенцияни шакллантиришнинг концептуал харита (Concept Mapping) ва бошқа технологиялари ишлаб чиқилган ва уларнинг самарадорлиги асосланган;

когнитив компетенцияни шакллантириш методикаси тажриба синовдан ўтказилган;

тажриба-синов натижалари асосида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация ишида қўлланилган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг чет тилда когнитив компетенциясини шакллантиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлиги; когнитив компетенцияни шакллантиришда онглилик ва кўргазмалилик принциплари татбиқи хусусиятлари аниқланганлиги; когнитив компетенция мазмуни ва таркибий қисмлари ҳамда стратегиялари очиб берилганлиги; когнитив компетенцияни шакллантиришга қаратилган методик система уч босқичли имитацион, трансформацион, коммуникацион машқлар, нутқий ситуация ва технологиялар яратилганлиги ва уларнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг чет тилда когнитив компетенциясини шакллантиришга қаратилган методик система – уч босқичли имитацион, трансформацион, коммуникацион машқлар, нутқий ситуация ва технологияларидан мактаб дарсликларини янада такомиллаштириш, янги авлод дарсликларини яратишда ва уларнинг самарадорлигини оширишда, чет тил ўқитиш методикаси фанидан маъруза ва семинар машғулотларида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чет тилда ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш принциплари ва технологиялари (5-

6 синфлар мисолида) бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

коммуникатив компетенцияни шакллантириш фаолиятни ўрганишга йўналтирилганлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш, машқлар системаси ва технологияларини ишлаб чиқишда онглилик ва кўргазмалилик принциплари татбиқига оид материаллардан Андижон давлат университетида 2017-2021 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-18 рақамли «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 02-15/4889-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган лисоний маданиятни шакллантириш методлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш мақсади, мазмуни ва таркиби унинг психофизиологик ментал механизмини эмпирик таҳлил ёрдамида тушуниш, эслаш, қиёслаш, фаҳмлаш, орттирилган тил тажрибасидан фойдаланиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, умумлаштириш ва баҳолаш каби онгли амаллардан ташкил топганлигига оид материаллардан Абдулла Қаҳҳор уй-музейида адиб ҳаёти ва адабий мероси бўйича кўргазма, музей-дарс, саёҳат-дарс, театр-дарс кабиларни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 25 августдаги 5-12-10-3870-сон маълумотномаси). Натижалар музей методик-дидактик таъминотининг мукаммаллашишига хизмат қилган;

ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш мақсади, мазмуни ва таркиби унинг психофизиологик ментал механизмини эмпирик таҳлил ёрдамида тушуниш, эслаш, қиёслаш, фаҳмлаш, орттирилган тил тажрибасидан фойдаланиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, умумлаштириш ва баҳолаш каби онгли амаллардан ташкил топганлигига оид материаллардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази томонидан ўрта таълим мактабларининг инглиз тили синфлари учун мўлжалланган “Teens’ English-6” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Чет тилларини ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2021 йил 18 майдаги 10-06/26-сон маълумотномаси). Натижада “Teen’s English-6” дарслигида 2-12 бўлимларни ўрганиш давомида бўлимга оид портфолио, яъни бажарилган ишлар жилди файлини тайёрлаб бориш ишлари яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, шу жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган

илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 2 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, асосий матни 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг қисқа мазмуни баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чет тилда ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда чет тил ўқитиш жараёнида ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш асослари кўриб чиқилган.

Чет тилда ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш принциплари ва технологиялари мавзуси бўйича илмий, дидактик, психологик, методик адабиётларни, маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра, охириги 20 йиллик давомида чет тил таълимида дунёнинг турли ўқув масканларида, турли таълим шароитларида, асосан коммуникатив, шахсга йўналтирилган, табақалаштирилган, индивидуаллаштирилган, интеграллашган, фаолиятга йўналтирилган, компетенциявий, когнитив ёндашувлар қўлланилмоқда.

Таълим мақсади ҳам шунга мос равишда ўқувчининг турли (лингвистик, нутқий, стратегик, прагматик, лингвомаданий, ижтимоий, маданий ва б.) компетенциялардан ташкил топган коммуникатив компетенциясини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат этиб белгиланган.

Адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, умумий ўрта таълим мактаблари 5-6 синф ўқувчиларининг когнитив компетенцияси, унинг мазмун моҳияти, таркиби, шакллантириш масалалари ҳам методик нуқтаи назардан чуқур ўрганилмаган. Шундай бўлсада, когнитив психология, когнитив лингвистика, когнитивизм соҳаларида олиб борилган илмий изланишлар, олимлар фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда ушбу масалани методик жихатдан тадқиқ этиш мақсад этиб белгиланди.

Когнитив компетенция комуникатив компетенциянинг ички механизми, асосини ташкил этувчи когнитив-онгли стратегиялар тизимидан иборат бўлиб, мақсад, мотив, таҳлил ва умумлаштириш, қиёслаш, лисоний фахмлаш, тил тажрибасидан фойдаланиш, мустақил танқидий, ижодий фикрлаш,

хотирада сақлаш, хулоса қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади (1.1-расмга қаранг):



1.1-расм. Чет тили предмети мақоми

Диссертациянинг «Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг инглиз тилида когнитив компетенциясини шакллантириш методикаси» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ДТС ва ўқув дастурларида белгилаб берилганидек, узлуксиз таълим тизимининг барча типдаги ўқув муассасаларида чет тилларини ўрганиш ва ўргатиш жараёни, реал, табиий ёки табиийга яқин (сунъий) ўқув-нутқ вазиятлари (шароитлар) яратиш масалаларига бағишланади. Бугунги кун чет тил таълими жараёнида ҳамда дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув услубий мажмуалар тузишда бундай лингводидактик талабнинг қўйилиши мақсадга эришишнинг асосий омилларидан биридир.

Мавзу доирасида ДТС, дастур, дарсликлар ва ўқув жараёни таҳлил этилди. Чет тилдан ЎУМ 1) ўқув дастури; 2) ўқувчи китоби (дарслик); 3) иш дафтари; 4) ўқитувчи китоби ҳамда 5) мултимедия воситаларидан ташкил топганлиги барчага маълум. Дарслик ЎУМ таркибидаги асосий таълим воситаси бўлиб, ўқувчининг чет тилда коммуникатив компетенциясини шакллантириш мақсадини амалга оширишга қаратилган.

5-6 синф ўқувчилари когнитив компетенцияларини шакллантириш тадқиқот объекти сифатида танлаб олинганининг асосий сабабларидан бири шундаки, 5-синфдан бошлаб бошланғич босқичдаги таълим шароити тубдан ўзгаради.

Мазкур синфлар дарсликлари ҳамда ўқув жараёнини таҳлилидан кўзланган мақсад, аввало, онглилик ва кўрғазмалилик, методик принципларнинг когнитив компетенцияларни шакллантиришда амалий татбиқини аниқлаб таҳлил этиш, улар асосида илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

“New Fly High” (5-синф), “Teens’ English” (6-синф), ЎУМ ҳам 1) ўқувчи китоби (дарслик); 2) ўқитувчи китоби; 3) машқ дафтари ва 4) мултимедия воситаларидан ташкил топган.


Teens’ English (6-синф) дарслиги Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва таълим турли тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфлари учун дарслик сифатида тавсия этилган бўлиб, New Fly High 5-синф дарслигининг узвий

давоми ҳисобланади.

Таҳлил натижасида аниқланган миқдор кўрсаткичларга таяниб айтиш мумкинки, 5-6 синфларда тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув компетенцияларини шакллантириш учун бир соатлик дарсда ўртача бештадан саккизтагача машқ берилган.

Дастур талабларида белгиланганидек, мазкур синфларда барча нутқ компетенцияларини тенг шакллантириш кераклигини ҳисобга олсак, кўринадикки, ўқиш ва ёзув компетенцияларини шакллантиришга мўлжалланган машқлар етарли эмас. Ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини, яъни когнитив компетенцияларни шакллантиришда оғзаки нутқ билан бир каторда ўқиш ва ёзувнинг ҳам аҳамияти катта.

Когнитив компетенцияларни шакллантириш учун тадқиқотимизда ишлаб чиқилган имитацион, трансформацион ва коммуникацион машқлар системасини қўллаш бўйича қуйдаги ҳолатни кузатиш мумкин (2.1-расмга қаранг):



2.1-расм. Компетенцияларни шакллантиришга мўлжалланган машқларнинг миқдор кўрсаткичлари

Когнитив компетенцияларни шакллантирувчи «Mind mapping» – ақлий харита технологияларидан 5-синфда бир марта ва 6-синфда бир марта фойдаланилган. Асосий ўринни ўйин технологиялари эгаллайди;

БББ – KWL технологиясидан бир мартадан фойдаланилган.

Ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш мақсадида машқлар системаси ишлаб чиқилди. Бунинг учун чет тил ўқитишда қўлланиладиган турли машқлар системаси ўрганилиб таҳлил қилинди ва уч босқичли имитацион, трансформацион ва коммуникацион машқлар системаси ишлаб чиқилди. Ушбу машқлар шакллантирилиши зарур бўлган мақсадга йўналтирилган бўлиб, ўқувчилар когнитив компетенциясини босқичма-босқич онглилик, кўргазмалилик, изчиллик узвийлик ва бошқа педагогик, лингводидактик принциплар асосида шакллантиришга хизмат қилади.

Чет тилда ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш машқлари системасининг мақсадлари:

ўқувчи ички мотивацияси ва фаоллигини ошириш;
 таҳлил ва умумлаштиришга ўргатиш;
 дедуктив ва индуктив усулларни қўллаш;
 қиёслаш, таққослаш, солиштиришга ўргатиш;
 тил тажрибасидан (она тили, 2-тил, чет тил) янгисини эгаллашда
 фойдаланиш;
 хотирада сақлаш усулларини қўллаш;
 дарслик, луғат, чизма, график, органиайзер каби воситалардан
 фойдаланишни ўргатиш;
 мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, фаҳмлаш ва тасаввур қилишни
 ўргатиш.

Имитацион машқларнинг асосий мақсади такрорлаш, тақлид қилиш
 орқали ўқувчи хотирасини мустаҳкамлаш, диққатини жамлаш, идрокни
 таъминлаш, барча анализаторларни (мультисенсорлар)ни ишга солиш орқали
 эслаш, чет тил муҳитини яратиш, ички мотивацияни тиклашдан иборат.

Трансформацион машқлар когнитив компетенциянинг асосий
 стратегияларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, таҳлил ва
 умумлаштириш, қиёслаш, таққослаш, оператив хотирани кенгайтириш,
 доимий хотирани бойитиш, орттирилган тажрибага таяниб фаҳмлаб олишни
 ўргатишга қаратилган.

Коммуникацион машқлар мустақил, ижодий, мантиқий, танқидий
 фикрлашни, креативликни шакллантиришга мўлжалланган (2.1-жадвалга
 қаранг).


2.1-жарвал

Блум таксономияси 2001 йил варианты таржимаси

№	Босқичлари, даражалари	Блум таксономияси 2001 йил мазмуни (таржимаси)
1.	Эслаш Remembering	Эслаш, ёдга олиш, хотиралаш, такрорлаш, хотирада сақлаб қолиш
2.	Тушуниш Understanding	Англаш, идрок этиш, бир тилдан бошқасига айлантириш, чизма, расм, диаграммаларни талқин қила олиш
3.	Қўллаш Applying	Билимларни амалиётда қўллаш, машқларни бажариш, нутқ фаолиятида қўллаш, назарияни амалиётда синаб кўриш, ишлаш усулларидан фойдаланиш
4.	Таҳлил қилиш Analyzing	Бир бутун қисм, тушунчаларини қисмларга ажратиш, улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ва муносабатларни ўрнатиш, яхлитликни ташкил этувчи тамойилларни аниқлаш
5.	Баҳолаш Evaluating	Муносабат билдириш, хулоса ясаш, маълум мезонларга кўра у ёки бу фаолият, қонун-қоида, тушунчалар аҳамиятини баҳолаш

6.	Кашф (ижод) қилиш Creating	Орттирилган тажрибалар асосида янги ғоялар яратиш, матн тузиш, режа тузиш ва уни амалга ошириш.
----	---------------------------------------	---

Ишлаб чиқилган машқлар системасини бажариш жараёнида ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантиришнинг замонавий инновацион технологияларидан фойдаланилди. Ички ва ташқи кўргазмалилик асосида когнитив – онгли амалларни шакллантиришга тўлиқ мос келадиган *Concept Mapping* концептуал харита технологиясидан кенг фойдаланилди (2.2-расмга қаранг):



2.2-расм. Концептуал харита технологияси

Концептуал харитани инглиз тили таълими жараёнидаги ютуқ ва камчиликларини инобатга олган ҳолда уни уч босқичли имитацион, трансформацион ва комуникацион машқлар системасида қўллаш методикаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари математик ҳисоблаш машқлари, ақлни чархлайдиган интеллектуал мнемотехнологиялар ҳам коммуникацион машқлар таркибига қўшилди.

Шундай қилиб, замонавий мультилингвал, мультимаданий ижтимоий жамиятда чет тилларда бемалол эркин мулоқот олиб борадиган, ўз мустақил фикрига эга ижодкор ўқувчиларни тарбиялашда тадқиқотимизда ишлаб чиқилган машқлар, технологиялар, воситалар маълум даражада ўз самарасини берди.

Диссертациянинг **«Инглиз тилида ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш методикаси бўйича тажриба-синов ўтказиш»** деб номланган учинчи бобида диссертациянинг асосий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тажриба-синов ишларининг қуйидаги мазмуни белгилаб олинди:

ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантиришнинг лингводидактик принциплари, жумладан, кўргазмалилик, онглилик принциплари татбиғини амалда ёритиб бериш;

ишлаб чиқилган уч босқичли машқлар системасининг ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантириш самарадорлигини исботлаш;

машқлар системасини бажаришда концептуал харита технологиясидан фойдаланиш методикасини синовдан ўтказиш ва самарадорлигини исботлаш; инновацион таълим технологиялардан бўлган график органайзерлар,

концептуал харита технологияси, мнемотехнологиялардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва бқ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги соҳа мутахассислари томонидан тавсия этилган Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактаби, Тошкент вилояти Пскент туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактаби, Андижон вилояти Андижон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаблари тажриба-синов майдонлари сифатида белгилаб олинган, 2019-2020, 2020-2021 ўқув йиллари давомида тажриба-синовлар ўтказилган.

Синфлар кесимида олганда тажриба-синов учун белгилаб берилган умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфлардан жами 286 нафар ўқувчи жалб этилган: шундан ТГ (тажриба гуруҳлари)да 146 нафар, НГ (назорат гуруҳлари)да 140 нафар ўқувчи қатнашган; 6-синф бўйича жами 272 нафар ўқувчи жалб этилган: шундан ТГ да 138 нафар, НГ да эса 134 нафар ўқувчи қатнашган.

Тажриба-синовнинг ташкилий босқичида умумий ўрта таълим мактаблари белгилаб олинди ва уларда тажриба-синов олди тадбирлари ўтказилди, яъни танлаб олинган мактабларнинг ўқувчилари билан суҳбат ва сўровномалар ўтказилиб ҳозирги ҳолат ўрганилди.

Ўқувчилар когнитив компетенцияси шаклланганлик ҳолати, яъни мотивацияси, хотираси, қиёслаш олиши, фаҳмлаш, таҳлил ва умумлаштира олиши, мустақил, танқидий, ижодий фикрлай олиши ва бошқа малакаларни аниқлаш мақсадида анкета-сўровномалар ўтказилиб, натижалар бўйича хулосалар умумлаштирилиб, тавсиялар ишлаб чиқилди. ТГ ва НГ белгилаб олинди. Тажриба материали сифатида тадқиқотда ишлаб чиқилган уч босқичли имитацион, трансформацион ва коммуникацион машқлар ва уларни бажаришда қўлланилган *Concept Mapping* – концептуал харита ва бошқа инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган методик система синовдан ўтказилди ва самарадорлиги аниқланди. Статистик таҳлилнинг умумий кўрсаткичи таклиф этилган методиканинг самарадор эканлигини исботлади. Ишлаб чиқилган машқлар системаси, концептуал харита ва бошқа технологиялар, яратилган нутқ ситуациялари ва таълим воситаларидан дидактик принципларга тўғри амал қилган ҳолда фойдаланганда ўқувчиларнинг мустақил, ижодий, танқидий фикрлашга, 1-4 синфларда орттирилган тил тажрибаларини янгисини эгаллашда қўллашга, фаҳмлашга, қизиқиши ва фаоллигини оширишга ёрдам берди.

Тажриба-синов ишлари жараёни ва натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди:

5-синфлардан жами 286 нафар ўқувчи жалб этилди. Уларнинг 146 нафари ТГ, 140 нафари НГ гуруҳини ташкил этади. 5-синф ўқувчилари когнитив компетенцияси шаклланганлиги тажриба синовдан олдин ва кейинги натижаларининг сон кўрсаткичлари фоизларда қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган;

жадвалдаги ТГ ва НГнинг тажриба олди ва кейинги натижаларининг қиёсий таҳлиliga кўра айтиш мумкинки, тажриба-синов бошида ТГ ва НГ

ўқувчиларининг дастлабки ўзлаштириш кўрсаткичлари деярли тенг бўлган, масалан «аъло» баҳолар ТГда 25,4 % бўлса, НГ ҳам шунга яқин 25,9 %ни ташкил этган;

тажриба-синовдан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари ТГ да сезиларли даражада ўзгарди, «аъло» баҳолар 25,4 %дан 36,1 %га кўтарилди, ўсиш динамикаси 10,7 %ни ташкил этади;

«яхши» баҳолар 36 %дан 41,9 %га ошганлигини кўриш мумкин, ўсиш динамикаси деярли 6 %га тенг. Ижобий натижаларнинг ошганлиги, табиийки, «қониқарли» баҳолар сонини камайишига олиб келади, ТГда 22,0 %ни ташкил этади;

6-синфларда тажриба-синов ишларида жами 272 нафар ўқувчи қатнашди. Улардан 138 нафари ТГ, 134 нафари НГда иштирок этишди. Жадвал натижаларига кўра айтиш мумкинки, НГда тажрибадан олдин ва кейинги ўзгаришлар катта эмас (3.1-жадвалга қаранг).

3.1-жадвал.

Тажриба-синов олди ва кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари динамикаси

Ўзлаштириш кўрсаткичлари	5-синф				Ўсиш динамикаси		6-синф				Ўсиш динамикаси	
	Тажрибадан олдин		Тажрибадан кейин				Тажрибадан олдин		Тажрибадан кейин			
	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ
Аъло	25,4	25,9	36,1	24,7	10,7	1,2	25,9	27,8	39,1	26,0	13,2	1,8
Яхши	36,0	33,2	41,9	38,5	6,0	5,3	34,2	35,7	39,9	35,5	5,7	0,2

Жадвалларда ифодаланган натижаларга кўра тажриба-синовдан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари когнитив компетенцияни шакллантириш машқлар тизими ҳамда уларни бажаришда фойдаланилган концептуал харита – СМ ва бошқа технологияларнинг самарадор эканлигини исботлади. 5-6 синф ўқувчилари когнитив компетенцияларини шакллантириш машқлар системаси ва қўлланилган технологияларнинг умумий самарадорлиги ўртача 12% га тенг эканлиги тажриба-синов жараёнида ўз исботини топди.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда 5-6-синф ўқувчиларини когнитив компетенцияси шаклланганлик даражасини ошириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат синфларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стьюдентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда жами 596 нафар ўқувчилар қатнашди. Шундан, тажриба синфида 304 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, назорат синфида 292 нафар ўқувчи иштирок этди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба синфидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат синфи ўқувчилари билимининг

ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.



Ўқувчиларнинг тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланади (3.2-жадвалга қаранг).

3.2-жадвал

Ўқувчиларни когнитив компетенцияси шаклланганлик даражасини ошириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ва тажрибадан кейинги ўзлаштириш натижалари

	Босқичлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажрибадан олдин	Тажриба синфи	304	79	106	119
	Нazorат синфи	292	79	99	114
Тажрибадан кейин	Тажриба синфи	304	115	125	64
	Нazorат синфи	292	73	108	111

Бу танланмаларга мос келган диаграммалар қуйидагича кўриниш олади:



4-расм. Тажрибадан олдин 5-расм. Тажрибадан кейин

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, стьюдентнинг танланма мезони, стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси ва ишончли четланишлари топилди.

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	Δ_m	Δ_k
1,87	1,88	Тажрибадан олдин ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган							
2,17	1,87	0,5611	0,6131	2	2	4,84	585	0,08	0,09

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Маълумки, $\bar{X} = 2,17$; $\bar{Y} = 1,87$ $\Delta_x = 0,08$; $\Delta_y = 0,09$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,17 - 0,08}{1,87 + 0,09} = \frac{2,09}{1,96} = 1,07 > 1;$$

$$K_{\text{ооб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,17 - 0,08) - (1,87 - 0,09) = 2,09 - 1,79 = 0,30 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, 5-6-синф ўқувчиларини когнитив компетенцияси шаклланганлик даражасини ошириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

1. Чет тил ўргатиш ва ўрганишдан кўзланган асосий мақсад мультилингвал ва мультимаданий шароитда ижтимоий ҳаётда фаол мулоқот олиб бора оладиган коммуникантни тарбиялашдан иборат. Ўқувчи коммуникатив компетенцияси, унинг асосий механизми ҳисобланган когнитив компетенцияни шакллантиришдек психологик, дидактик ва методик жараёнларни ўз ичига олади. Чет тилда ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантиришда онглилик, кўрғазмалилик ва бошқа дидактик принципларга таяниб иш олиб бориш масаласини чуқур ўрганиш таълим сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Тадқиқот доирасида ўрганиб таҳлил этилган ЎзДТС, ўқув дастури, дарсликлар ва амалий дарс жараёнини кузатиш натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, ўқувчилар когнитив компетенциясини шаклланганлик ҳолати талаб даражасида эмаслиги ўқувчилар мустақил, ижодий фикр юритишга, ўз фикр мулоҳазаларини баён қилишга, 1-4 синфларда орттирган тил тажрибалардан фойдалана олмаслиги, асосан, ёдлаш, такрорлаш, тақлид қилиш, алмаштириш каби машқлар билан чегараланганлиги бундай машқлар сонини қисқартириб, ўсмир ёшдаги ўқувчилар психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижодий, ситуатив, мотивацияни ривожлантирувчи машқлар, методлар, технологияларга эътиборни кучайтириш зарур деб хулоса қилиш мумкин.

3. Диссертациянинг илмий назарий асосларига таянган ҳолда, кўзланган мақсадга кўра, уч босқичли имитацион, трансформацион, коммуникацион машқлар системасини ишлаб чиқиш принциплари қайта кўриб чиқилиб ўқувчилар когнитив компетенциясини шакллантиришга қаратилган бундай машқлар системаси ҳақиқатдан ҳам самарадор эканлиги тажрибада исботланди. Машқлар системасини бажаришда концептуал харита (СМ – Concept Mapping) технологиясидан кенг фойдаланишга, когнитив компетенцияни ташкил этувчи барча компонентларини интеграллашган, уйғун ҳолда мантиқий тафаккурни шакллантириш имкониятларини яратди, онглилик, ички ва ташқи кўрғазмалилик, изчиллик, узвийлик ва бошқа

принципларни ўз ўрнида тўғри татбиқ этилишини таъминлади.

4. Онглилик, кўргазмалилик, изчиллик, узвийлик, узлуксизлик, тушунарлилик ва бошқа дидактик ҳамда тил ва маданиятни яхлит (интеграллашган) ҳолда ўргатиш, машқларнинг устуворлиги, тил тажрибасини ҳисобга олиш каби методик принципларнинг амалда қўлланилиши ўқувчи билиш фаоллигини, интеллектуал салоҳиятини, орттирган тажрибасига таяниб ўрганилаётган тилни англаш, мақсадли қабул қилиш, мушоҳада юритиш, қиёслаш, фарқлай олиш, таҳлил қилиш, фаҳмлаш каби когнитив амалларни эгаллашга қаратилган уч босқичли имитацион, трансформацион, коммуникацион машқлар системасида кўрсатиб берилди.

5. Тадқиқотимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тажрибасинов ўтказиш учун танлаб олинган умумий ўрта таълим мактабларида 5-6-синф ўқувчилари когнитив компетенциясини шакллантириш методикаси синовдан ўтказилди. Тажриба бошида ва якунида олинган натижаларнинг қиёсий таҳлилига кўра, сифат ва миқдор кўрсаткичларини солиштириб айтиш мумкинки, тавсия этилган имитацион, трансформацион, коммуникацион машқлар системаси, уни бажаришда фойдаланилган Concept Mapping технологияси инглиз тили таълимини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши исботланди.

6. 5-синфлар тажриба гуруҳларида самарадорлик назорат гуруҳларига нисбатан 12,6 %, 6-синфлар тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан 16,9 %га кўтарилганлигини кўриш мумкин.

Умумий самарадорлик 5-синфларда 16,7 %, 6-синфларда 18,9 % ни ташкил этди.

Тадқиқотнинг илмий-назарий хулосалари ҳамда ўтказилган тажрибасинов натижаларига кўра айтиш мумкинки, 5-6-синф ўқувчилари когнитив компетенциясини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган методик таъминот – машқлар системаси, технологиялар ва уларни амалга ошириш воситаларининг самарадорлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

ШАХАЛДАРОВА ГУЛЬЧЕХРА САГДИЕВНА

**ПРИНЦИПЫ И ТЕХНОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ КОГНИТИВНОЙ
КОМПЕТЕНЦИИ УЧАЩИХСЯ ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ
(на примере 5-6 классов)**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (английский язык)

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Ped1311.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.uzswlu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Рискулова Камола Жуммаевна
доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Кодирова Фотима Рашидовна
доктор педагогических наук, профессор

Собирова Гулноза Содиковна
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека


Защита диссертации состоится «17» марта 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01. по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес: 100138, г. Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, 21а. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за № 6) (Адрес: 100138, г. Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, 21а. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «4» марта 2022 года.

(протокол-реестр рассылки за № 6 от «4» марта 2022 года)




Г. Х. Бакиева
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.филол.н., профессор


Х. Б. Самигова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.филол.н., доцент

Л. Т. Ахмедова
Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.пед.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Углубление международного сотрудничества в области образования и науки в подготовке квалифицированных кадров в мировых учебных заведениях, а также стремительное развитие информационно-коммуникационных и цифровых технологий привели к усилению необходимости изучения иностранных языков как средства коммуникации. Согласно мировому опыту, с внедрением передовых методов преподавания в среде информационно-коммуникационных технологий актуальным является совершенствование знаний, умений и навыков преподавателей иностранных языков, а также применение в учебном процессе новейших достижений науки и техники.

В мировой практике многих стран, в том числе в университетах США, Великобритании, России проводятся научные исследования по различным проблемам компетенции, коммуникативной компетенции, когнитивной лингвистики, когнитивной психологии, когнитивной методики, а также вопросам технологий, методов и подходов к формированию когнитивных стратегий на иностранном языке. В обучении иностранным языкам возникла необходимость исследования принципов формирования когнитивной компетентности учащихся с точки зрения когнитивной психологии, когнитивной лингвистики, коммуникативно-когнитивного подхода, а также научного совершенствования технологий диагностики уровня развития их навыков по иностранному языку.

За последние годы со стороны узбекских ученых в республике проводятся интенсивные научные исследования по обучению иностранным языкам на основе коммуникативного, кластерного, компетентного, когнитивного, интегративного, личностно-ориентированного (индивидуализированного) подходов, инновационных методов и технологий. Отмечены приоритетные направления «в процессе изучения и преподавания иностранных языков во всех типах образовательных учреждений системы непрерывного образования Республики Узбекистан, включая общеобразовательные средние школы, основной целью которых является формирование, развитие и совершенствование коммуникативно-когнитивных компетенций, то есть подготовка учащихся к будущей деятельности в повседневной, научной и профессиональной сферах в поликультурном мире»¹.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования республики узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4306 «О мерах по организации непрерывной системы выявления одаренной молодежи и подготовки высококвалифицированных кадров» от 3 мая 2019 года.

№ ПП-4306 «О мерах по организации непрерывной системы выявления одаренной молодежи и подготовки высококвалифицированных кадров» от 3 мая 2019 года, № ПП-4199 «О мерах по образованию президентских школ» от 20 февраля 2019 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 281 «О мерах по внедрению механизма поэтапного перехода на создание и использование альтернативных учебников для общеобразовательных школ» от 5 апреля 2019 года и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В области методики обучения иностранным языкам в республике проводили научные исследования ведущие специалисты Г.Х. Бакиева, Ж.Ж. Жалолов, Л.Т. Ахмедова, Д.У. Хошимова, Т.К. Саттаров, М.Ж. Джусупов, Г.Т. Махкамова, К.Н. Набиева, С. Сайдалиев² и др. Дидактические основы, принципы методики обучения иностранным языкам исследовали отечественные ученые А. Зуннунов, У. Махкамов, Х. Иброхимов, Ш. Абдуллаева, Б. Жабборов, Н. Зокирова, А. Жумаев, К. Рискулова, Л. Илиева³, а также зарубежом рассмотрением данной проблемы занимались В.В. Краевский, А.В. Хуторской, И.П. Подласый⁴ и др.

Следует также отметить научные работы М. Canale, М. Swain, W. Littlewood, Е.И. Пассов, М.З. Биболетова, Н.Б. Гальскова⁵ и др., которые

